

ИСЛОМ ДИНИ КИРИБ КЕЛГУНГА ҚАДАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ
ШАКИЛЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7881617>

Холбеков Аброр Элбек ўғли
ИИВ Академияси 313-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасининг қадимги даврдан яни одам пайдо бўлган даврдан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврдаги таълимотлар батафсил баён этилган. Дунёда ва мамлакатимиз ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлгандан муққаддас Ислом дини кириб келгунгача, ундан сўнг эса ислом дини кириб келиб ислом маданияти ва ислом қонунлари, тартиб қоидалари ўрнатилиб жинойатларнинг олдини олишга боғлиқ таълимотлар шакилланиши ва бошқалар баён этилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар тушунчаси ва аҳамияти, ушбу таълимотларнинг мамлакатимизда вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан олдинги йилларда мавжуд бўлган криминологик қарашлар ва мустақилликка эришгандан кейинги даврларда ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси ҳамда жинойатларнинг олдини олиш ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва янги демократик жамият қуришда ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг туганган ўрни тўғрисида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мустақилликдан олдинги йиллар, таълимотлар, криминологик қарашлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар, мамлакатимизда вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.

Илк давлатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб то IX асрларгача, бу даврда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган қадимги илк қулдорлик давлатлари Кушонлар, Хоразм, Довон давлатлари даврдан Ўрта Осиёга форслар, юнон-македонлар, араблар босқини даврларини ўз ичига олиб, у даврда “Авесто” китобининг яратилиши ва бошқа манбаларда виқтимологик профилактикага оид илк қарашлар шакиллана бошлаган.

Ушбу манбаларнинг яратилиши эса диний қарашлар ва таълимотларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган ижти-мой муносабатлар диний-ахлоқий нормалар асосида тартибга солинишига олиб келган. Маълумки, дин

ҳар доим одамларни яхши-лик қилишга ундаган, ёвуз ишларни қилишдан, бошқа шахсларга ёмонлик қилишдан тийилишга чақирган. Дин ҳар доим инсонларни бир-бирлари билан аҳил бўлиб, яхши кунлар келишига интилиб, ҳаёт синовларига бардош бериб яшашига ишонтирган. Инсонлар яхши ишлар, эзгу амаллар қилишга, ёмонлик қилишдан тийилиб, унга қарши курашишига ҳаракат қилган. Ҳар бир қилинган ёмон хатти-ҳаракат гуноҳ иш деб қаралиб, гуноҳ иш қилган шахс диний нор-малар асосида жазоланган. Она юртимизда пайдо бўлган дастлабки диний таълимотлардан бири – бу зардуштийлик динидир.

Марказий Осиё худудида дастлабки криминологик ва виқтимологик таълимотлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто»да, қадимги халқларнинг битикларида, халқ оғзаки ижодида акс этади ва ушбу таълимотларнинг ўзаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги курашни ўз ичига олувчи, инсонни эзгуликка чорловчи ғоя ва қарашларда намоён бўлади. Чунончи, эзгулик, яхшилик инсонни яхши амалларни бажаришга, турли хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни содир этишдан тийилишга ундайди. Ёвузлик ва ёмонлик эса, инсонни ҳуқуққа хилоф бўлган ишларни қилишга, қабихликка, жоҳилликка, содда қилиб айтганда, турли хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни содир этишга даъват этади.

«Авесто»да келтирилган маълумотларнинг энг қадимги қисмлари милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охири – биринчи минг йиллик бошига тўғри келади ва бу оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда «Авесто» таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва бошқалар қўшилиб борган.

«Авесто» ўзбек, умуман, Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маданиятларини ўрганишда муҳим ва ягона манба ҳисобланади.

«Авесто»да баён этилган ғояларга кўра, олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик билан зулматнинг, яхшилик билан ёмонликнинг ўзаро тўхтовсиз курашидан иборат. Бу кураш абадий давом этади. Ҳаётдаги турфа ўзгаришлар қайси кучнинг ғалаба қилишига боғлиқ. Инсон тана ва руҳнинг, ахлоқ эса яхши ва ёмон хулқнинг ўзаро курашидан иборат. «Авесто»нинг ахлоқий-фалсафий моҳияти “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал” каби муқаддас учликда ўз ифодасини топади. Бу муқаддас учлик айрим манбаларда “ахлоқий триада” деб ҳам қайд қилинган.

«Авесто»да жоҳиллик, зўравонлик, туҳмат каби ёмон хислатлар қораланади, соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдо-сотикда бир-бирини алдамаслик, бировни ҳақорат қилмаслик каби хислатлар тарғиб қилинади.

Зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто»да одамларни иймонли, эътиқодли бўлишга, ҳар доим покиза юришга, танани ҳар доим озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга, ножўя ишларни қилишдан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўғитлар ниҳоятда кўп. Жумладан, «Авесто»да сувни тежаш уни қадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, сувни ифлослантиришни тақиқловчи қоидалар битилган.

«Авесто»да ҳарбий тўқнашувлар, хунрезликлар, босқинчилик ҳаракатлари кескин қораланиб, хайрли иш қилиш, ахлоқ-одобли, билимли, маърифатли бўлиш эса турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун, деб қаралган.

Олимлар томонидан «Авесто» матнлари асосида жиноятларнинг қуйидаги таснифи тузилган:

1) динга қарши жиноятлар: бидъат, бошқа диннинг вакили билан никоҳга кириш, руҳоний вазифасини ғайриқонуний бажариш, атеизм;

2) шахсга қарши жиноятлар: қасддан ёки жазава ҳолатида хужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, ҳомиладорлик пайтида аёлнинг соғлиғига қарши жиноятлар;

3) ҳайвонларга қарши жиноятлар: айниқса, кучукларга қарши жиноятлар;

4) мулкий жиноятлар: ўғрилиқ, талон-тарож қилиш, босқинчилик, фирибгарлик, хасислик;

5) ахлоққа қарши жиноятлар: бесоқолбозлик, фоҳишалик билан шуғулланиш, эр-хотин хиёнати;

6) табиат кучларига қарши жиноятлар: ер, сув, олов ва ўсимлик дунёсига қарши жиноятлар.

Мазкур жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муайян жазо чораларини қўллаш масалалари ҳам ушбу муқаддас китобда қайд этилган.

«Авесто»да қайд қилинган жазо чоралари қуйидагилардан иборат:

1) ўлим жазоси;

2) қамоқ;

3) тан жазоси;

4) гуноҳни ювиш;

5) хун олиш.

Хусусан, зардуштийлар ақидасига кўра тўрт тоифа кишилар сўзсиз, ҳеч қандай ҳукм ва ҳакамсиз қатл қилинганлар. Булар: мурдор (ўлимтик, ўлакса)ни ёқувчи, йўлтўсар қароқчи, баччабоз ва энг қабиҳ гуноҳ устида қўлга олинган кимса.

Зардуштийлар ақидаси бўйича жиноятларнинг олдини олишда дарра уриш жазосидан кенг фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, «Авесто»да кимда ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса, ушбу киши биринчи бор ўттиз марта от думидан қилинган қамчи билан, ўттиз марта хипчин (хивич) билан саваланиши, иккинчи бор эллик марта от думидан қилинган қамчи билан,

эллик марта хипчин билан саваланиши, учинчи бор етмиш марта от думидан қилинган қамчи билан, етмиш марта хипчин билан саваланиши кўрсатилган. Шунингдек, «Авесто»да бировни уриб, унинг қонини оқизган, суягини синдирган шахсларга нисбатан янада оғирроқ жазо, яъни кўпроқ дарра уриш жазоси қўлланилиши кўрсатилган.

Зардуштийларнинг ақидаси бўйича айрим жиноятларни содир этган жиноятчи шахсларни авф этиш, ўлим жазосига ҳукм қилинганларни катта жарима эвазига авф этиш ёхуд қул сифатида улардан фойдаланиш эвазига ҳаётини сақлаб қолиш тартиби ҳам амалда мавжуд бўлган.

Юқорида қайд қилинган масалалар Олий суд – Зардуштий оқсоқоллар кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлар асосида ҳал қилинган.

Марказий Осиёда дастлабки ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ҳамда жиноятларнинг олдини олиш ҳақидаги таълимотлар. Қадимги афсоналар, эртақлар, ривоятлар, достонлар, мақолларда ҳам ўз ифодасини топган. Бундай манбалар асосида инсонни одил ва адолатли бўлишга, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этмасликка ундовчи ва бундай қилмишларни қораловчи ғоялар ётади. Буларга мисол тариқасида «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсиний», «Макоримул Ахлоқ», «Тухфат ул аброр», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби асарларни келтириш мумкин.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” да, айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва айрим манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат тарихий манба, балки ўз даврининг турли муносабатларини, жумладан, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солган қадимги ва дастлабки ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири бўлган. Мазкур ҳуқуқий манбада ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ва у билан боғлиқ аниқ тушунчалар ёки қоидалар берилмаган бўлса-да, мазмунан ўзида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид хусусан, виктимологик хусусиятларни акс эттирувчи қоидаларни кузатиш мумкин. Жумладан, унинг “Вандидот” деб номланган бобида жиноят ва жазога оид масалалар тартибга солинган бўлиб, бир қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қоидаларда ўз аксини топган. Мазкур қоидаларга риоя қилмаслик, уларни бузиш билан боғлиқ ҳолатлар муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарган. Шунингдек, ушбу қоидалар инсонларни ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланишининг олдини олишга ҳам хизмат қилган десак муболаға бўлмайди. Масалан, Вандидотнинг 4-фаргард, 17-бандида кимда-ким бировни уриш мақсадида қўлига қурол-аслаҳа олса унинг содир этган гуноҳи “очирипта”⁵³ деб баҳоланган. “Очирипта” гуноҳини содир этган шахсга

⁵³ *Изоҳ:* Очирипта – “олмоқ” маъносида. Вандидод таъбирича бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурол-аслаҳа олган шахс гуноҳи шундай деб юритилган (Вандидод 4-фаргард, 17-банд).

нисбатан дарра уриш жазоси белгиланган. Ушбу гуноҳнинг такроран содир этилиши эса ўн қамчидан тўқсон қамчигача дарра уриш билан жазолаш назарда тутилган ва саккиз маротаба такрор содир этилгандан сўнг шахснинг қилмиши “Пишавтану”⁵⁴ деб баҳоланиб, жиноят содир этган шахсга оғирроқ турдаги, жумладан ўлим жазоси қўлланилган. Худди шунга ўхшаш иккинчи ҳолатда бирон-бир шахс томонидан бошқа бир шахсни уриш мақсадида унга нисбатан қурол-аслаҳани қўлига олиб айлантриши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни содир этиши авауйрайишта⁵⁵ гуноҳини содир этган деб ҳисобланиб, бундай қилмиш ўн қамчи агар такрор содир этилса, такрорийлигига қараб ўн беш қамчидан тўқсон қамчигача, шунингдек, авауйрайиштани товон тўлангандан кейин еттинчи бор содир этса ёки товон тўлашдан бош тортса уни содир этган шахснинг қилмиши ҳам “Пишавтану” деб баҳоланиб оғирроқ жазо, яъни ўлим жазоси қўлланилган. Учинчи тур гуноҳ иш бу ари-душ⁵⁶ (яъни бировни уриш учун қасд қилган шахснинг гуноҳи, бордию урган бўлса-да уч кун ичида тузалиши керак бўлган) бўлиб, уни содир этганлар биринчи марта ўн беш ва такрорийлигига кўра йигирма қамчидан тўқсон қамчигача дарра уриш билан жазоланган. Агар аридуш аввалги гуноҳларнинг товонини тўлагандан сўнг олтинчи бор содир этилса ёки товон тўлашдан бош тортса шахснинг бундай ҳара-кати “Пишавтану” деб баҳоланади ва уни содир этганга нисбатан оғирроқ жазо ҳисобланган ўлим жазоси қўлланилган⁵⁷. Бундан ташқари, бирон-бир шахсни уриб тан-жароҳати етказиш ёки уриб ҳушидан кетказиш учун ҳам дарра уриш ва ўлим жазоси қоида тариқасида белгилаб қўйилган. Бу каби қоидалар ўша даврда яшаган шахслар онгида жиноят содир этишнинг салбий ва ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва виктимологик хусусиятли профилактик чора-тадбирларни мазмунан ифодалаши билан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларни турли кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилган десак муболаға бўлмайди. Авестода жиноятчиларга нисбатан содир этган қилмишларига яраша жазонинг муқаррарлиги таъминланибгина қолмасдан, ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга етказилган зарар учун товон тўлаш мажбурияти юклатилган

⁵⁴ *Изоҳ:* Пишавтану – “Авестода” пишавтану – “Ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган одам” маъносини англатади. Унинг бошқа бир номи “арзон ўлим”, яъни гуноҳлари эвазига ўлим жазосини топган шахс (Вандидод 4-фаргард, 17-банд).

⁵⁵ *Изоҳ:* Авауйрайишта – “айлантормоқ” маъносида. Қўлга қурол олиб, бировни урмоқ қасдида жаҳл билан уни айлантирган кимса гуноҳи шундай юритилади (Вандидод 4-фаргард, 17-банд).

⁵⁶ *Изоҳ:* Аридуш – қўлига қурол тутиб бировни урмоққа қасдланган кишининг номи. Бунда қасд қилган мазлумни урмайди, борди-ю урган тақдирда ҳам унинг захми уч кун ичида тузалиши керак.

⁵⁷ *Қаранг:* Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б.18 – 21.

қоидалар ҳам бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Авестода белгиланган қоидаларда, *биринчидан*, шахсни муайян ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этишдан тийилишни, *иккинчидан*, содир этилган айбли қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини, *учинчидан*, қилмишга яраша жазога сазоворликни, *тўртинчидан*, такрор содир этилган қилмиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланишини, *бешинчидан*, жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо билан бир қаторда етказилган зарарни бартараф этиш мажбуриятини назарда тутувчи қоидалар мустаҳкамланган. Шундай қилиб, Авестодаги қоидалар жиноят содир этган шахсга, *биринчидан*, содир этган қилмиши учун жазо тайинланган, *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларга етказилган моддий, маънавий ва жисмоний зарарни қоплаш мажбурияти юклаган. Бундан кўриниб турибдики, Авесто ўз даврининг нафақат дин билан боғлиқ масалаларни, балки инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини химоя қилувчи қоидаларни, суд-ҳуқуқ масалаларига оид муносабатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, аниқроғи виктимологик профилактикасига оид қоидаларини ҳам ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий манба десак тўғрироқ бўлади.

Таҳлилларга таяниб, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси тўғрисида мутафаккирларнинг қуйидаги ғоялари, фикрлари, қарашлари ва нуқтаи назарларини қайд этиб ўтиш ўринлидир:

Афлотун (Платон) (мил.ав. 428–347):

* «Қонун тийсинлар»;

* «Жамият аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунishi ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир. Қаердаки, қонунлар ҳоким устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлат гуллаб яшнади. Агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча, давлат учун жуда катта зарар келтиради»;

* «Ғазаб, рашк, роҳат-фароғатга интилиш, адашиш, кўролмаслик кабилар ҳуқуқбузарликнинг сабаблари бўлиши мумкин»;

* «Ҳуқуқбузарлик содир этганга жазо тайинлаш нафақат шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тияди, балки жазо маълум даражада ҳуқуқбузарлик содир этган учун фойдали, жазо орқали ҳуқуқбузарлик содир этганнинг қалби покланади»;

* «Жазо фақат ҳуқуқбузарлик содир қилган шахснинг ўзигагина тайинланиши, унинг яқин қариндошларига нисбатан, ҳатто давлатга қарши ҳуқуқбузарлик содир этганда ҳам, қўлланилмаслиги лозим»;

* «Жазо беришда фақат ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига эмас, балки айбдорнинг ниятига, ҳуқуқбузарликнинг маккорлик ёки раҳмсизлик ёхуд ёшлик

қилиб, енгилтаклик билан содир этилганлигига ҳам аҳамият бериш керак»⁵⁸;

* «Ҳақиқий ва тўғри фикрлай олувчи файласуфлар давлат тепасига келмагунча ёхуд ҳукмдорлар илоҳий иқтидорлари ила том маънодаги файласуфлик мақомига кўтарилмагунларига қадар инсоният ёвузликдан қутулолмайди»;

* «Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир»;

* «Инсоннинг ўзлигидан тубан кетиши жоҳилликдир, ўзликдан юқори бўлмоқ эса доноликдир»⁵⁹.

Арасту (Аристотель) (мил.ав. 384–322):

* «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аввало, бузуқ ва ақлга зид бўлган одатларга қарши курашдир, яъни жамиятни шундай қуриш керакки, у ақлга зид бўлган, бузилган ахлоқ, урф ва одатларга қарши курашсин»;

* «Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари давлатдаги бетартиблик, ўғирланган мулкни яширишнинг осонлиги, муҳтожлик, камбағаллик, очкўзлик, ҳақиқий имкониятларга нисбатан кўпроқ бойликка эга бўлишга интилиш, жабрланувчиларнинг қўрқанлиги ёки хоҳламаслиги туфайли ҳуқуқбузарлик тўғрисида шикоят билан мурожаат қилмаслиги, жазонинг енгиллиги, судьяларнинг пасткашлиги ва бошқалар бўлиши мумкин»;

* «Жазоланишдан қўрқиш ҳам шахсни ҳуқуқбузарлик содир қилишдан тўхтатиб туради»;

* «Ҳуқуқбузарлик содир қилиш натижасида қанчалик кўп фойда, роҳат-фароғат олинган бўлса, жазо ҳам шунга мувофиқ равишда қаттиқ бўлиши керак»⁶⁰.

Милетлик Фалес (мил.ав. 625–547):

* «Энг кучли нарса нима? – Зарурат. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади».

Лао Цзи (мил.ав. 579-499):

* «Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди»;

* «Фикрларингизга эҳтиёт бўлинг — улар қилмишларингиз ибтидосидир».

Пифагор (мил.ав. 576–496):

* «Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро ахлоқ қонуннинг асосидир».

Конфуций (мил.ав. 551–479):

* «Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир»;

* «Ўзингга раво кўрмаган нарсаларга ўзгани ҳам нолойиқ, деб бил. Ана

⁵⁸ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов. – Т., 2015. – Б. 27–28.

⁵⁹ *Афлотун (Платон)* (м.а. 428–347) // <http://ziyouz.uz/old/hikmatlar/mumtoz-faylasuf/>.

⁶⁰ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов. – Т., 2015. – Б. 28.

шунда салтанат ва оиладаги нафрат ҳамда адоват барҳам топади».

Эфеслик Буқрот (Гераклит) (мил ав. 535–475):

* «Ғазаб билан курашиш мушкул: унинг истаклари учун ҳаётинг қурбон бўлади. Лаззат билан курашиш эса ундан ҳам қийин».

Ҳоргий (Горгий) (мил.ав. 483–375):

* «Дори-дармон жисмимизга қандай таъсир ўтказса, сўз ҳам руҳимизга шундай таъсир этади. Дориларнинг баъзиси танадаги турли хилтларни ҳайдаса, бошқалари гоҳо ўлимга сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаш баъзи бир нотиклар тингловчиларни қайғуга ботирса, бошқалари уларга ҳузур-ҳаловат, кўтаринкилик бахш этадилар. Айрим нотиклар эса инсонлар қалбига қутқу солсалар, яна бировлари тингловчиларда мардонаворликни жўш урдирадилар. Бошқа бир тоифа нотиклар ёвуз сўзлари билан тингловчиларни ром этиб, қалбларни заҳарлайдилар».

Мо-Цзи (Мо Ди) (мил.ав. 480–400):

* «Камбағаллик — мамлакатдаги тартибсизликлар илдици».

Сукрот (мил.ав. 469–399):

* «Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди».

Демокрит (мил.ав. 460–360):

* «Эзгулик адолатсизлик қилмасликки эмас, уни истамаслик ҳамдир»;

* «Сўз – амалнинг сояси»;

* Виждонли ва инсофсиз одамларни нафақат бажараётган амалларидан, балки хоҳиш-истакларидан ҳам билиб олиш мумкин».

Шан Ян (мил.ав. 390–338):

* «Текинхўрликнинг олти кўриниши қуйидагилардир: 1) кексайганда лоқайд яшашга интилиш; 2) донни ўйламай-нетмай сарфлаш; 3) гўзал либос ва лаззатли таомларга ружу қўйиш; 4) серҳашам буюмларга муҳаббат; 5) ўз вазифасига совуққонлик билан қараш; 6) тамагирлик»;

* «Жазо куч-қувватни пайдо қилади, куч-қувват қудратни, қудрат эса ларзага солувчи улуғворликни, улуғворлик ўз навбатида эзгуликни юзага келтиради. Демак, эзгуликнинг ибтидоси жазодир»;

* «Сув оқими доимо пастга интилганидек, одамлар бойликка талпинадилар».

Мэн-Цзи (мил.ав. 372–289):

* «Фуқароларни куч билан бўйсунтиришга мажбур этиш мумкин. Аммо қалбларини бўйсундириб бўлмайди. Эзгулик ва олижаноблик воситасида

фуқароларни бўйсундириш эса қалбларда қувонч туйғуларини уйғотади ва одамлар ҳақиқий итоатгўйликни намойиш этадилар».

Эпикур (мил.ав. 341–270):

* «Эркинлик истакларни жиловлаш натижасида эришиладиган энг олий неъматдир»;

* «Ақлли, ахлоқли ва адолатли бўлмай туриб, кўнгилдагидек яшаш мумкин эмас»;

* «Инсонлар ё ҳасад, ё кўролмаслик, ёки нафрат туфайли бир-бирининг дилини оғритадилар»;

* Инсон ё қўрқув, ёки интиҳосиз ва беҳуда эҳтирос туфайли бахтсиз бўлади».

Сюн-цзи (мил.ав. 313–235):

* «Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади. Бу – тарбиянинг оқибати».

Хан Фэй (мил.ав. 288–233):

* «Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси мукофотдан иборатдир».

Цицерон Марк Туллий (мил.ав. 106–43):

* «Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлида давом этавериши – ақлсизлик»;

* «Бир зиддият иккинчисини келтириб чиқаради»;

* «Ўз бурчини яйраб адо этувчиларгина эмин-эркин яшайдилар»;

* «Ноҳақ йўлда ғолиб бўлмоқдан кўра, ҳақ йўлида мағлублик афзал».

Херонеялик Плутарх (46–127):

* «Ҳар қандай адашиш ҳалокатлидир. Эҳтирос ҳамроҳ бўлган адашиш эса икки карра ҳалокатлироқ».

Августин Аврелий (Саодатли) (354–430):

* «Зулм инсон томонидан содир этиладиган ва у бошидан кечирадиган нарсадир. Содир этиладигани — гуноҳ, бошдан кечириладигани — жазо, Инсон ўзи истаган ҳолда зулмни содир этади, истамаган ҳолда уни ўз бошидан кечиради».

Боэций (480–524):

* «Ёмонлик жазосиз қолмайди. Ҳолбуки, бу иллатга эга бўлишнинг ўзиёқ — энг биринчи жазо».

Абу Наср Форобий (870–950):

* «Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда одамлар ҳукмдорни тушунмайдилар ёки унинг талабини бажаролмайдилар. Ҳукмдорлар дорини беморнинг севимли ва кўп тановул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табибга ўхшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулидир»;

* «Хукумат раҳбаридида қуйидаги 12 та туғма сифатлар жам бўлмоғи жоиз: хушбичимлик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир хотира, идроклилик, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиш, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олижаноблик, бойликка нафрат, адолатпарварлик, қатъийлик».

Абулқосим Фирдавсий (934–1024):

* «Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч кўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради».

Абу Али ибн Сино (980–1037):

* «Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин».

Никколо Ди Бернардо Макиавелли (1469–1527):

* «Мақсад воситани оқлайди.

Ҳар бир ишни у қандай воситалар билан амалга оширилганига қараб эмас, балки мақсадга эришилган-эришилмаганига кўра баҳолайдилар»;

* «Табиблар дейдиларки, сил касаллигини бошланғич даврда аниқлаш қийин, аммо даволаш осон. Агар хасталик ўтказиб юборилган бўлса, аксинча, уни аниқлаш осон-у, даволаш мушкул. Давлат ишларида ҳам шундай: эндигина пайдо бўлаётган иллат ўз вақтида аниқланса, уни йўқотиш қийин эмас. Бунга фақат доно ҳукмдорларгина қодирдирлар. Агар иллат ҳар кимга яққол кўринадиган даражада авж олган бўлса, ҳеч қандай дори-дармон кор қилмайди».

Фрэнсис Бэкон (Лорд Веруламский) (1561–1626):

* «Фақат нафрат ва қўрқувгина зўравонлик қилишга мажбур этади.

Аввал шахсан ўзи ёвузликнинг барча сир-асрорларини тадқиқ этмаган софдил ва батартиб одам ҳеч қачон виждонсиз ва нодон одамларни қайта тарбиялай олмайди. Чунки тубан ва виждонсиз кишилар софдиллик ва батартибликни одамларнинг тажрибасизлиги ҳамда гўллиги оқибати деб тушунадилар».

Балтасар Грасиан (1601–1658):

* «Қилмиш – фикрлар меваси. Яхши фикр яхши амал демакдир».

Жон Локк (1632–1704):

* «Инсондаги ёвузлик ва эзгулик ҳам, зараркунандалик ва ҳожатбарорлик ҳам тарбиянинг мевасидир».

Монтескьё (Шарль-Луи Секонда) (1689–1755):

* «Асрий тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай одам мансабини суистеъмол қилишга мойил бўлади ва у то мақсадига эришмагунча шу йўлдан кетаверади»;

* «Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларидир»;

* «Инсондаги баъзи иллатлар ўзини ўзи етарли даражада ҳурматлай олмаслигидан келиб чиқса, айрим нуқсонлар бу ҳурматнинг меъёрдан ошиши туфайли пайдо бўлади»⁶¹.

Куйида келтирилган фикрлар ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан аҳамиятлидир:

– «Жинойтга баҳона бўлса бас» (юнон файласуфи Аристотель (мил. ав. 384/383–322/321));

– «Жазо бермаслик жиноятга катта рағбатдир» (Рим файласуфи Цицерон Марк Тулий (мил. ав. 106–43));

– «Тўғри йўлга қадам қўйишнинг биринчи шарти айбга иқроқ бўлишдир» (Рим ёзувчиси Сенека Луций Анней (мил. ав. тахм. 4–65));

– «Нима учун одам ўз айбига иқроқ бўлмайди? Чунки у ҳамон ўша айблари сиртмоғидадир. Бу худди уйқудаги одамдан тушини гапириб беришни талаб қилгандай гап» (Сенека Луций Анней);

– «Жиноятчи баъзан жазодан қутулиб қолиши мумкин, аммо жазо даҳшатидан қутулолмайди» (Сенека Луций Анней);

– «Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантиради» (Сенека Луций Анней);

– «Бир жиноят иккинчисига йўл очади» (Сенека Луций Анней);

– «Ярамас одамлар жазодан қўрқганларидан, яхшилар эса эзгуликка меҳру оқибатлари туфайли ёмон ишлардан ўзларини сақлайдилар» (рим шоири Ювенал Децим Юний (тахм. 60–127));

– «Ўз айбига иқроқ бўлмаслик – айбни кўпайтириш демакдир» (рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой (1828–1910));

– «Фуқароларнинг ўзаро бир-бирини назорат қилиши жиноятни бартараф этади» (француз ёзувчиси Оноре де Бальзак (1799–1850));

– «Ўғирлашга имкон яратиш ўғрини туғдиради» (инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561–1626));

– «Қинғирликлар билан ошна тутинган одам ўша қинғирликларнинг асиридир» (Америка ёзувчиси Теодор Драйзер (1871–1945))⁶².

Шарль Луи Монтескьё (1689–1755):

«Ақлли қонун чиқарувчи ҳуқуқбузарлик учун жазо ҳақида эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун қайғуради. У ҳуқуқбузарлик учун жазолаш эмас, балки ахлоқни яхшилаш учун ҳаракат қилади».

Ш.Л. Монтескьё бузуқ ахлоқни ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби сифатида кўрсатиб, давлат кишиларда энг яхши ахлоқни шакллантиришга аҳамият бериши зарурлиги ҳақида ёзади.

⁶¹ <http://ziyouz.uz/old/hikmatlar/mumtoz-faylasuf>.

⁶² Воронцов В. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Ш. Абдураззоқова таржимаси. – Т., 1989. – Б. 256–257.

Чезаре Беккариа (1738–1794):

– Ахлоқ соҳасида олиб борилаётган сиёсат инсон табиатига хос ва доимий бўлган ҳис-туйғуларга суянмас экан, ахлоқнинг яхшиланишига умид қилиб ҳам бўлмайди;

– Жазо ҳуқуқбузарлик содир этиш истагининг олдини олувчи ички омилга айланади. Аммо бунинг учун жазо расмий, ошкора бўлиши, дарҳол қўлланиши ва қилмишга мос бўлиши керак;

– Ҳуқуқбузарлик учун жазолагандан кўра, унинг олдини олган яхшидир, яхши қонун чиқарувчининг мақсади ана шундай бўлиши керак. Аммо бунинг учун шахс давлат ва жамиятнинг тўла фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Жан Поль Марат (1743–1793):

«Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳукмрон синф билан меҳнаткашлар ўртасидаги қарама-қаршиликда ётади, шунинг учун қонун камбағаллар билан бойлар ўртасидаги фарқни имкони борича қисқартиришга ҳаракат қилиши керак».

Иммануил Кант (1724–1804):

«Шахсга ва мулкка қарши ҳуқуқбузарликлар бошқаларнинг мақсадини ўз мақсади учун қурбон қилишдан иборатдир. У ирода эркинлиги масаласида, ўз эркинлигимни ўз хоҳишим билан ҳал қиламан, бунда бошқаларнинг эркинлигини бузмасам бўлди»;

Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770–1831):

«Ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳаётнинг салбий томони эканлигини уқтиради, бунда айбдорни жазолаш жамият учунгина эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир этганнинг ўзи учун ҳам фойдалидир».

Юқорида баён қилинганларнинг барчаси «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» ҳали мустақил фан сифатида шаклланмаган даврда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги турлитуман фикрлар, қарашлардир.

Илм-фаннинг ривожланиб бориши билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид таълимотлар ҳам ривожлана борди. Қадимдан ҳозирги вақтгача кўплаб олимлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар устида тадқиқотлар олиб бордилар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таълимотларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. И.Исмаилов ва бошқалар ИИО ларининг жинойтчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш. Дарслик Т.2011.

2. Ахмедшина, Н.В. Возникновение и развитие отечественной виктимологии / Н.В. Ахмедшина // Вестник томского государственного университета. - 2013.- №300 (1). - С.138-141.
3. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б-179.
4. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б-347-348.
5. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).
6. Мухитдинов Ф.М. Жабрланувчи ҳақидаги таълимот асослари – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Академияси нашр., 2019. 57–Б.
7. У Таджиханов. А Саидов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси Т.2001.
8. Д.Абдуллаев Оила муҳофазаси барқарорлик омили ҳуқуқ ва бурч.№7 2012.
9. Муродов А. Ш, Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи //Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2017 й, 3-сон. –Б, 48-54.
10. Юридик луғат. ИИВ Академияси кутубхонаси. –Т,2015.